



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 4-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Фуломов, Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев, Мунаввархон Хаётовна Мухитдинова, Дилшод Субонкулович Пардаев Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган сунъий интеллектдан Янги Ўзбекистонни шакллантиришда фойдаланиш имкониятлари	5
Умар Худайбердиев Ўзаро манфаатли ҳамкорлик – иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили	11
Соҳибназар Каримов “Авесто” жамият тараққиётининг иқтисодий мезонлари ҳақида	14
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Abdumalik Bektemirov Яшил иқтисодиёт шароитида инсон капитални ривожлантириш: стратегик ёндашувлар ва барқарор ўсиш омиллари	19
Fazilat Esirgarpovna Jomonqulova, Nodir Rasulovich Zaynalov, Shohrux Djurabekovich Abdurasulov Korxonaning ERP axborot tizimini yaratishda xavfsizlik elementlari haqida	22
Мохигул Эркиновна Ахтамова Управление информационно-экономических систем цифровизации бизнеса и перспективы её развития в Республике Узбекистан	26
Abdumalik Bektemirov, Bekzod Muxiddin o‘g‘li Abduvaliyev Qurilishda investitsion va innovatsion faollikni oshirishning dolzarb masalalari	31
Қаюм Ҳамраевич Собиров Табиий қор-ёмғир суви ресурсидан оқилона фойдаланиш орқали мамлакатни сув танқислигидан сақлаб қолиш омиллари	34
Ashur Ali Rustam o‘g‘li Latipov, Abdulxofiz Jamshid o‘g‘li Hamrayev Sun‘iy intellekt yordamida xodimlarning mehnat samaradorligini monitoring qilish	42
Дилрабо Шермоновна Тухтамишева Рақамли технологиялар ёрдамида таълим муассасаларида ўқув сифатини юксалтириш йўналишлари	46
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузибой Нормакматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов Озиқ-овқат маҳсулотларида кофеин миқдори, аҳамияти ҳамда хусусиятлари	51
Фарида Абдухалимовна Ахмеджанова Структурные особенности тканей как фактор формирования потребительских свойств текстильных изделий	54
Jamshidjon Sadullaevich Urazov Improving economic partnerships in the dairy value chain	59
Ruziboy Normaxmatov, Akram Gafurov, Oqila Satimbayeva, Xurmo – makro va mikroelementlarga boy mujizaviy mevadir	62
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Rustam Tohir o‘g‘li Murodov, Pхom Achilovich Usmonov Qurilish obyektlarini loyihalashtirish jarayonining xususiyatlari	65
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Обид Мамаюнусович Пардаев Коммунал хизматлар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	69

Соҳибназар Каримов – СамИСИ профессори, фалсафа фанлари доктори

“АВЕСТО” ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕЗОНЛАРИ ҲАҚИДА

“...Эзгу Ният ва Ҳақиқат нурлари остида
некогоҳлик билан одамлар манфаати учун хизмат
қилсак

Зардушт

Аннотация. Мазкур мақолада инсоният тарихида буюк маънавий ҳодиса бўлган “Авесто” ўзининг буюк таълимоти билан умуминсоний қадрият ва тамаддуни манбаи бўлиб хизмат ҳақидаги улкан фикрлари келтирилган. Бу улкан тафаккур бойлигидан баҳраманд бўлиш, уни ўрганиш ва унинг кўпгина ғоялари ҳозирги кунга келиб миллий қадрият даражасига етганлигини тушуниш ва ёш авлодга етказиш долзарб масаласи кўрилган. “Авесто”нинг ғоявий қарашлари ҳозирги кунда тараққиётга хизмат қилаётган кўпгина ижтимоий фанларимизнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги муҳим манбалиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, мулкчилик, мамлакат аҳолиси, сиёсий ҳуқуқ, ижтимоий бошқарув, иқтисодий бошқарув, моддий бойликлар, эзгу амал, турмуш тарзи, инсон камолати.

Кириш. Ўша даврда давлатнинг сиёсий ҳуқуқий асосларининг яратилиши мамлакат аҳолисининг ижтимоий иқтисодий шароитларининг яхшиланишига олиб келди ва бу соҳада туб ўзгаришлар ясади. Иқтисодиётнинг асоси бўлган мулкчилик шакллари белгилаб берилди ва давлатнинг иқтисодиётдаги етакчилик роли тан олиниб қонунлаштирилди. Бу ҳолатни биз “Авесто”да таърифланган 16 мамлакатни бошқаришнинг сиёсий ҳуқуқий ва ижтимоий иқтисодий бошқарув тизимининг амал қилиш жараёнини таърифларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Иқтисодий тараққиёт омиллари сифатида халқларнинг кўчманчи чорвадорликдан ўтроқ турмуш тарзига ўтиши билан белгиланади. Чунки ўтроқ турмуш тарзи суғориладиган деҳқончилик, хунармандчилик самарадорлигини ошишига олиб келди. Бу эса моддий бойликларнинг ошиб бориши ва захираларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада тўпланиб қолган моддий бойликларнинг жамоа аъзолари ўртасида адолатли тақсимлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Моддий бойликлар яратган кишилар тақдирланган ва моддий бойлик яратишни энг яхши эзгу амал деб тарғиб қилинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили: “Вандидод”нинг тўртинчи фаргарди 47- 49- бандларида ушбу ҳолат шундай баён қилинган: “-Эй, Сипийтом Зардушт!

Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир.

Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир.

Кимнинг дунёси бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадодан афзалдир”, дейилса, кейинги бандда:

“... Икки кишидан бири ўзини гўшт билан тўйдирса, иккинчиси оч қолса. Ул биринчисидан яхшилик ёғилгай.

Очнинг мўрдадан фарқи йўқ.

Тўқ очга нисбатан бир аспирина, бир қўй, бир одамчалик афзаликка эга”, дейилади. Бу билан Зардушт кишиларда тадбиркорлик, ишбилармонлик сифатларини олқишлаш билан биргаликда ҳар бир ашаван ўз оиласи фаровонлиги йўлида ҳалол ризқ учун жон куйдириши зарур. Унинг назарида ўзини тўйғиза олмаган одам оиласини боқа олмайди. Оиласини боқа олмаган одамдан жамиятга ҳеч қандай наф йўқ.

Зардушт таълимотида ҳар кимнинг оч ёки тўқ юриши унинг ўзидан огоҳлигидан

дарак берувчи аломатдир. Оч одамнинг қурби ёвуз кучларга қарши курашда ожиздир. Тўқ одам ўлим келтирувчи астувазуту девларга қарши жангларга дош беради. “...У ўз хукмдори амрига мутобиқ, ёмонликка қарши бош кўтаради ва уни забун айлайди. У ҳеч нарса танаввул қилмайдиган фитна-фасод ашмуғга қарши мубориза қилади”, дейилади. (“Авесто”, 121 бет).

Шуниси эътиборлики, “Авесто”да меҳнат фақатгина моддий неъматлар яратиш асоси бўлибгина қолмасдан, балки инсон камолатининг манбаи эканлиги таъкидланади. Инсон ўз меҳнати туфайлигина ўзининг инсоний қиёфасини сақлаб қолади ва охир оқибат меҳнат эзгулик рамзи сифатида Мазда динини илҳомлантиради ва бойитувчиси ҳисобланади.”Кимда- ким буғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат) экади. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзу- ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади”, дейилади зардуштийлик таълимотида. (“Авесто”.115- бет.)

Зардушт таълимотида тадбиркор ишбилармон ашаван ўзининг қўл меҳнати билан ерга ишлов бериш орқали ҳалол ризқ топади. Тилида олий илоҳни мадҳ этиш билан икки қўллаб ерга ёпишиб меҳнат қилади. Бу ҳалол ризқ ерга бўғдой эсмоқ ва яна бўғдой эсмоқ деб олқишланади. Чунки кимда ким бўғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат)экади. У мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзуниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади. (“Авесто”, 115 бет). Шу ўринда Зарушт замин ҳам унга экилган буғдой ҳам ҳалол меҳнат қилган ашаванга ўз ҳосилини мўл кул қилиб беради. Бу ҳақда “Вандидод”нинг учинчи фаргарди 27 бандида баён қилинган қўйидаги фикрни ўқиймиз. “Эй, мард! Эй, мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилган зот!

Одамлар хамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун турли хил хўрак ва мўл қўл буғдой етиштираман”, дейди. (“Авесто”, 115 бет).

Кўриниб турибдики, Зардушт таълимотида ҳалол меҳнат, ҳалол ризқ топиш учун ҳаракат қилиш Мазда динини такомиллаштиришнинг асоси деб қаралади.

“Вандидод”нинг учинчи фаргарди 24,30. Бандларида бу ҳақда жуда қизиқарли фикрлар баён қилинган. Жумладан, “Ўзоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстикдошга интиқдир.

Кимда ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстикдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл қўл меваларни ином этади”, дейилади. (“Авесто, 114,115, бетлар). Қизиқарлиси шундаки, зардушт таълимотида табиат ва жамият бир бирисиз мавжуд эмас улар бир бирига зор ва интизор. Чунки, ерни, заминни балоғат ёшига етган ва ашаван фарзандлар кўриш иштиёқида бўлган соҳибжамол қиз билан тенглаштирилиши унинг табиат неъматларини ниҳоят даражада улуғлаганлиги ва олқишлаганлигидан дарак беради.

Шунинг учун ҳам Зардушт ўз таълимотида Маздапарастлар дининг асосий қудрати ва ҳимоячилари табиат ошифталари ва ҳимоячилари бўлган отурбон, артштор ва тевапарвар деҳқонни кўкларга кўтаради. “Маздарастлар дининг асосий қудрати деб отурбон, артштор ва тевапарвар деҳқонни биламан”, дейди Зардушт. (“Виспират”нинг учинчи бўлим бешинчи бандида).

“Авесто”да жамиятнинг молиявий соҳаси, меҳнатни кадрлар меҳнатга қараб ҳақ тўлаш, инсонларнинг умумий манфаатларига хизмат қиладиган иншоотларни маблағ билан таъминлаш, ҳашар каби масалалар кенг жой олган. Биргина мисол сифатида табибларнинг меҳнатида тўланадиган ҳақ масаласига тўхталиб ўтишнинг ўзи кифоя “Вандидод”нинг еттинчи фаргарди еттинчи бўлими 41, бандида шундай дейилади:”Жарроҳ мўбадни унинг дуо ва алқовлари эвазига, хонахудони кам баҳода, деҳ худони ўрта баҳода шаҳрбонни ортиқ баҳода (уч минг стийр) ва шаҳриёрни тўрт отли арава эвазига даволайди”. (“Авесто, 134 бет).

“Вандидод”нинг тўртинчи фаргардининг биринчи 16 бандлари худди ана шу ўзаро

иктисодий муносабатларни тартибга солишга бағишланган. Жумладан, шундай қизиқарли тизимли мулоҳазаларни учратамиз. Жумладан, “Кимда ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марат ўғирлаган билан баробардир”. “... кимда ким экин қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук!

Ахура Мазда жавоб берди:

Минг қамчин Вспаҳиҳ ва Ашатра билан минг қамчин саравушу чарана билан саваланди.

Кимда ким сўз қасамини бузса,...уч юз қамчин аспаҳиҳ ашатра билан, уч юз қамчин саравушу чарана билан саваланади.

...Кимда ким қўл қасамини бузса олти юз қамчин аспаҳиҳ ашатра билан, олти юз қамчин саравушу чарана билан савланади.

...Кимда ким одам қасамини бузса, тўққиз юз қамчин аспаҳиҳ ашатра билан, тўққиз қамчин саравушу ашатра билан саваланади. (Қаранг “Авесто, 116 118 бетлар).

Тадқиқот методологияси: инсонни иқтисодий (бозорий) агент сифатидаги ҳатти – ҳаракатларини таҳлили этишда, асосан фалсафа ва психология фанида кенг қўлланиладиган мантиқий таҳлил ва иқтисодий ҳамда ҳуқуқий фанларда қўлланиладиган кузатиш ва эмпирик услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижа: “Авесто”да иқтисодий соҳани бошқариш ҳам давлат бошқарувининг сиёсий ҳуқуқий асослари орқали амалга оширилди. Асосий ишлаб чиқариш жамоалари ҳисобланган оила, уй қишлоқ, вилоят раҳбарлари орқали амалга оширилган. Жумладан, Оила, хўжаликлар, уларнинг бирлашмаси “нмана”, уй, оилалар жамоаси “дмана”, катта оила жамоаси оқсоқоли “вис”, катта қишлоқ оқсоқоли “виспати”, қабила бошлиғи “зантупати”, вилоят ҳокими “дахиюпати”, бир неча вилоятлар ҳукмдори ва қабила ҳарбий бошлиғи “дахиюсастар”лардан ташкил топган қонун чиқрувчи Олий орган Оқсоқоллар кенгаши ёки қабилалар Иттифоқи “варзанапати” ёки “Ханжамана” ва Халқ Мажлиси “вьяха” каби тузумлар орқали амалга оширилган.

“Вандидод”нинг 13-14 бобларида ердан унумли фойдаланиш, уни ифлослантиришдан сақлаш, суғорганда сувни тежаш ҳақидаги одамларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларга риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларига алоҳида ўрин ажратилган. Деҳқон экинни суғориши мумкинлиги, деҳқончилик билан шуғулланадиган ҳар бир кишига бир белкурак кенглиги ва чуқурлигидаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги сувни тақсимлаш билан қоҳинлар шуғулланиши кўрсатилган.

“Авесто” дарёлар, каналлар, сув шахобчалари ҳақида, ернинг мелиоратив ҳолатини сақлаш борасида қимматли фикрлар баён этилган.”Чўлга сув чиқариб, ернинг шўрини ювиб, захини қочириб ишлов берган, инсонлар энг муътабар инсонлар”, ҳисобланган. Кўриниб турибдики, иқтисодий қонун- қоидаларга амал қилиш иқтисодий барқорорликни сақлашнинг зарур шарти эканлиги таъкидланган. Бунинг зарурий шарти иқтисодий билимларни ошириш эканлиги назарда тутилган.

Шуниси қизиқарлики, “Авесто”да ўша даврда амал қилган мулкчилик шакллари ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Жумладан, хусусий мулк турлари сифатида уй жой, экин ерлари, ишлаб чиқариш воситалари ва қуроллари, барча рўзғор ва шахсий буюмлар, чорва, озиқ овқат маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмлари ва анжомлар ҳисобланган ва улар қонун йўли билан ҳимояланган. Иқтисодий асос жамият ва давлат барқорорлигининг, мамлакат ҳарбий иқтисодий қудратининг манбаи деб эътироф этилади, “Авесто”да. Иқтисодиётнинг асосий категориялари бўлган товар пул муносабатлари, жамоа деҳқончилиги, маҳсулот айирбошлаш масалалари бўйича ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Уруғ жамоаси бошлиғи “вис”худуд деҳқончилиги ва ерларнинг таркибий қисмларини аниқлаш ва тақсимлаш ишларини бевосита амалга оширган. Ўша даврдаёқ

қишлоқ деҳқончилик тизими яратилган. Бу тизим таркибига шаҳар ва унинг атрофи, уй-кўрғон, қишлоқ, суғориладиган ерлар, лаълми ерлар, яйловлар, туман чегарасидаги қишлоқлар, йўл хўжаликлари, савдо ва қурилиш учун фойдаланиладиган ерлар кирган.

Жамиятнинг асосий бойликлари икки тоифага яъни оқсоқоллар ва ҳарбий бошлиқларга жумладан, обрўли мўтабар кишилар қўлида тўпланган. Чорвадорлар, аскарлар, ҳунармандларнинг асосий бойлиги чорва, қурол- аслаҳалар ҳисобланган. Бундан кўриниб турибдики, “Авесто”да жамиятни табақалаштириш яъни ҳозирги тил билан айтганда жамиятни дифференциациялашув жараёни ҳам ёнма- ён шаклланиб борган. Жамиятни табақалаштириш асосан меҳнат характериға ва жамият бойлигиға кушаётган ҳиссасиға қараб амалға оширилган.

“Авесто”да кишиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у илоҳий куч деб талқин қилинган. Бу тизимға мувофиқ мулкий муносабатларда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда жиноятлар тартиблаштирилган ва бу мулкий жиноятлар сифатида талқин қилинган. Мулкий жиноятлар турларига, ўғирлик, босқинчилик, фирибгарлик, талон-тарож қилиш, бировларнинг ҳисобига яшаш, бошқаларнинг мулкиға зарар етказиш ва бошқа олди -берди билан алоқадор бўлган муносабатлар кирган.

Бу иқтисодий муносабатлар тизимини ўз аҳдида туриш, берилган ваъдани устидан чиқиш, қасамға содиқ бўлиш, савдо сотиқ ишларида мажбурият ва шартномаларға қатъий амал қилиш, омонатни яъни қарзни ўз эғасиға вақтида қайтариш каби шартномавий муносабатлар ва айирбошлаш турлари кабилар ташкил қилади. Бу иқтисодий муносабатлар тизими икки йўналишда акс этган. Биринчиси, “варуна” яъни тантанали равишда қасам ичиш, ва иккинчидан, битим ва шартнома шаклида бўлиб, ўзаро иқтисодий манфаатлар тизимидан иборат бўлган. Иккала ҳолда ҳам келишув илоҳий ҳисобланган. Буни бузган киши қатъий жазоланган.

Берилган ваъда, олинган мажбурият қасам ҳисобланиб, уни бажариш ва қарзни ўз вақтида қайтариш жуда қадрланган.” Кимда-ким қарзни ўз эғасиға қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун қўл урса ва ўзиники деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир”. (“Авесто”. Тарихий -абадий ёдгорлик. 116-бет.)

Ҳар бир бузулган ёки бажарилмаган шартнома катта қийматдаги янги шартнома билан алмаштирилган. Битим бузилганда жисмоний жазо ҳам қўлланилган.”Авесто”нинг гувоҳлик беришича, эр хотин ўртасидаги шартномаға эллик қаррали, куёв билан қайнота ўртасидаги шартнома саксон қаррали, ака укалар ўртасидаги тўқсон қаррали, ота ва ўғил ўртасидаги шартнома эса юз қаррали ҳисобланган. Бу келишувни бузган кишини жазолашнинг асосий чораларига, жумладан тан жазоси берилган.

Шуниси эътиборлики, “Авесто”да меҳнат фақатгина моддий неъматлар яратиш асоси бўлибгина қолмасдан, балки инсон камолатининг манбаи эканлиги таъкидланади. Инсон ўз меҳнати туфайлигиға ўзининг инсоний қиёфасини сақлаб қолади ва охир оқибат меҳнат эзгулик рамзи сифатида Мазда динини илҳомлантиради ва бойитувчиси ҳисобланади.”Кимда- ким буғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат) экади. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзу- ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади”, дейилади зардуштийлик таълимотида. (“Авесто”. 115-бет.)

Хулоса ва таклифлар: Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хилма-хил иқтисодий ходисаларни ўрганишда дастлабки назарий манба сифатида катта амалий аҳамиятға эға. Иқтисодиётда маҳсус когнитив, психологик, ижтимоий ва ҳиссий омилларнинг таъсирини таҳлил қиладиган тадқиқот соҳасидир. Иқтисодиётнинг мазкур йўналиши ҳозирги босқичдаёқ асосланган мантиқий иерархик тузилмани ифодалайди. Иқтисодиётнинг илмий ҳиссаси анъанавий иқтисодий назария чегараларини кенгайтириш ва чекловларни бартараф этишдан иборат. Шу билан бирға, инсоннинг хатти - ҳаракатларини ва унинг бозорий муносабатлар тизимидаги ҳулқ - атвори моделини башорат қилиш имконияти

ортади. Иқтисодиётда илгари ўрганилмаган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларга мурожаат қилади, шунингдек, инсон хулқ - атворининг стандарт иқтисодий моделлар тахминларидан қандай фарқ қилишини тавсифлаш ва тадқиқотларнинг энг янги бошқарув назарияларини ишлаб чиқишга туртки бўлди. Иқтисодиётни янада ривожлантириш учун ҳали кўп куч, вақт ва реал иқтисодий билимлар керак бўлади.

1. Авестода айтилган иқтисодий фалсафий масалалари ҳозирги иқтисодий ривожланиш учун дастлабки назарий манба бўлиб хизмат қилади.

2. Иқтисодий фаолиятдаги ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, ер унумдорлиги масалаларини ўрганиш ҳозирги даврда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А. Очерки истории развития медицины в Хорезме.-Т.: 1980.
2. “Авесто”. Тарихий- адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.-Т.: “Шарқ”, 2001.
3. Бартольд В.В. Сочинения. Т. III.-М.: 1965.
4. Бертельс Е.Э. История персидско таджикской летиратуры.-М.: 1969.
5. Бертельс Е.Э. Отрывки из “Авесты». Восток. Кн. 4-М.-Л.,1924.
6. Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., “Фан”, 1968.
7. Бобоев Ҳ. , Дўстжонов Т., Ҳасанов С, “Авесто”-шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. ТМИ, Т.: 2004.
8. Гафуров Б.Г. Таджики. Книга первая. –Душанбе; “ Ирофон”, 1989.
9. Жўраев Н. “Авесто” мўжизаси. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2013.
10. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.-Т.:1964.

<p>С. Каримов</p> <p>«Авесто» об экономических критериях общественного развития</p> <p>Аннотация. В данной статье излагаются великие идеи великого духовного феномена «Авесты», являющегося великим духовным явлением в истории человечества, как источника общечеловеческих ценностей и цивилизации с его великими учениями. Рассматривается актуальный вопрос об обладании этим великим богатством мысли, его изучении, понимании того, что многие его идеи сегодня достигли уровня национальных ценностей, и о передаче их молодому поколению. Утверждается, что мировоззренческие воззрения «Авесты» являются важным источником для формирования и развития многих общественных наук, служащих сегодня прогрессу.</p> <p>Ключевые слова: экономика, собственность, население страны, политическое право, социальное управление, экономическое управление, материальное богатство, добродетель, образ жизни, развитие человека.</p>	<p>S. Karimov</p> <p>"Avesto" about the economic criteria of social development</p> <p>Abstract. This article presents the profound ideas of the great spiritual phenomenon of the "Avesta", a significant spiritual phenomenon in the history of mankind, as a source of universal human values and civilization through its profound teachings. The urgent issue of enjoying this great wealth of thought, studying it, understanding that many of its ideas have reached the level of national values today, and conveying them to the younger generation is considered. It is considered that the ideological views of the "Avesta" are an important source for the formation and development of many of social sciences that serve progress today.</p> <p>Keywords: economy, ownership, country's population, political right, social management, economic management, material wealth, virtue, lifestyle, human development.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.12.2025 йилда теришга берилди. 16.12.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0143А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.